43
12.3 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 239 (6. 430) ◉ 1987 йил 22 октябрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1987 йил 21 октябрь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленум Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ва баъзи жорий вазифаларни кўриб чиқди.

Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, СССР халқ контроли комитетининг раиси С. И. Манякин, КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, КПСС Пермь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Коноплев, СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори Г. А. Арбатов, СССРнинг Франция Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. П. Рябов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, РСФСР Министрлар Советининг раиси В. И. Воротников, Украина ССР «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Молодогвардейская» шахтаси кон ишчилари комплекс бригадаси бошлиғи А. Я. Колесников, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Агросаноат давлат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, «Главмосстрой»нинг 1-«Мосстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум М. С. Горбачев докладида баён қилинган асосий қоидалар ва хулосаларни маъқуллади ҳамда мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Г. А. Алиевнинг саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Пленум шу билан ўз ишини тугаллади.

Замондошимиз



Машинист ёрдамчиси

Раҳматжон Қуроқов кўп йиллардан бери Урта Осиё темир йўли Тошкент локомотив депосида машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаб келади. Касбига меҳр қўйган бу машинист пассажир поездларини ҳамиша график асосида бошқариб, унн ҳамиша аварнясиз манзилга етказади. Депонинг жуда кўп оловқалб ёшлари Р. Қуроқовнинг шогирдларидир. Улар биринчи бўлиб поезд бошқаришни мана шу серғайрат мураббийдан ўрганишган. Шунинг учун ҳам шогирдлар ўз севимли устозларидан миннатдордирлар.

— Инсон ёшликда нималарни орзу қилмайди дейсиз, — дейди Р. Қуроқов. — Мен ҳам гоҳ ўзимни ўқитувчи, гоҳ инженер, баъзан учувчи, олим, врач қиёфасида тасаввур этардим. Йиллар ўтиб ўрта мактабни тугатиш арафасида бирдан поезд машинисти бўлишни орзу қилиб қолдим. Чиндан ҳам олис манзилларни кўзлаган пассажирларнинг узоқини яқин қилишдан ҳам ортиқ бахт бормн кишига. Шу ниятда Тошкент локомотив депосига оддий ишчи бўлиб ишга кирдим. Кейин менинг машинистликка ҳавасимни сезган мураббийлар менга поезд бошқаришни ишониб топширишди.

Барча коллективлар қатори депонинг ишчи ва хизматчилари ҳам шу кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга аҳд қилишган. Кўплаб машинист ҳайдовчилар эса байрам нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йиллигининг иккн йиллик план-топшириқларини бажариш мажбуриятини олишган. Улар орасида Раҳматжон Қуроқов ҳам бор. Шунинг учун ҳам бу моҳир машинист ёрдамчиси шу кунларда ўз ваъдасига вафо қилиш учун социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: машинист ёрдамчиси Р. Қуроқов.
Е. Ботиров фотоси.

ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ



Кузги қуёш нуридан ва дўстлар учрашуви самимиятидан баҳраманд бўлган Тошкент Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларини хушчақчақлик билан кутиб олмоқда. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида ўтаётган бу байрам ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда яна бир сақифа очади, улар ўртасидаги қалин алоқаларнинг, ҳурмат-эҳтиромнинг ва бундан буён ҳам ўзаро маънавий бойиш йўлидаги мустаҳкам ҳамкорликнинг яна бир ёркин далилидир.

...Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри байрамона безатилган. 19 октябрь куни кечқурун бу ерга, Қорақалпоғистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимига республика пойтахти меҳнат коллективларининг, партия, совет, жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари келишди.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов кириш нутқи билан очди.

Турмушнинг барча соҳаларида қайта қуриш ва янгиланиш амалга оширилаётган ҳозирги пайтда совет халқларининг Улуғ Октябрь туфайли юзага келган қардошлиги ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида куч билан намоён бўлмоқда. Маданий бойликлар билан ўзаро бойиш жараёни янада жадал тус олмоқда. Меҳнат коллективларида, ижодий ташкилотларда иш тажрибасини бу галги ўртоқлашиш, шубҳасиз, қайта қуришга, Ўзбекистон турмушининг барча соҳаларида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга хизмат қилади. Қорақалпоғистон автоном республикаси Ўзбекистон таркибига кирганига эллик бир йил бўлмоқда.

Қорақалпоғистон делегациясининг бошлиғи, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова сўзга чиқади. Биз қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент диёрига зўр қувонч ва ҳаяжон билан қадам қўйдик, дейди у. Мана шу ажойиб октябрь кунлари бузилмас дўстлик ва қардошлик байрами сифатида хотирамизда абадий сақланиб қолади.

Тақдири ва маданияти кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик жуда қадимдан юзага келган. Улуғ рус халқи билан бирлашиш, унинг маданияти хазиналаридан баҳраманд бўлиш, биргаликда янги турмуш бунёд этиш, халқларнинг ягона совет оиласи манфаатларининг муштараклиги бизларни янада яқинлаштирди, дўстона алоқаларимизни мустаҳкамлади.

Бу галги маданият кунлари халқимизнинг маънавий турмушини, унинг маданиятн, адабиёти ва санъатини янада бойитади, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг бундан буён ҳам мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари А. З. Қобулов, шоира Г. Нуриллаева Қорақалпоғистон маданияти намояндаларини табрикладилар.

Автоном республика намояндалари — Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов, Қорақалпоғистон халқ артисти Мақсет Хўжаниёзов ҳам тантанали кеча қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Сўнгра катта концерт берилди. Байрам томошаси Қорақалпоғистон миллий санъати истеъдод эгаларига ғоят, бой эканлигини кўзгуда акс эттиргандек бўлди.

Композитор Ш. Лаҳретдиновнинг Бердақ номли Давлат филармониясининг солисти Г. Оймбетова ижросидаги «Жонажон ўлка», Н. Мусаевнинг автоном республика халқ артисти Ҳ. Оллоёров ижросидаги «Гўзал олам», Г. Омониёзовнинг солистлар М. Сапаева ва С. Узоқбоев ижро этган «Тонгда» қўшиқлари ватанпарварлик мавзуининг давоми бўлди. Шу кечада илк бор янграган қўшиқлар— С. Полвоновнинг «Дйёрим Ўзбекистон», Н. Муҳаммединовнинг «Ёшлик ҳақида балада», Ҳ. Турдиқуловнинг «Қуёшли ўлка» асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Шу кунларда ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган Қорақалпоғистон давлат ашула ва рақс ансамбли жўшқин, қалбларга ўт солувчи, айни пайтда лирик рақслари билан йиғилиш аҳлини ром этди. Тошкентлик таниқли хореографлар мазкур коллективга асос солган эдилар ва ҳозиргн вақтда Тошкент хореография билим юртини битириб чиққан кўпгина ёшлар ана шу ансамблда ишлаяптилар. «Ота ларимиз тароналари», «Йигитлар», «Қирмизлар», «Русча рақс»ни рақс сеҳргарлари зўр маҳорат билан ижро этдилар.

Нукуснинг «Арулар» ҳавасқор халқ ансамбли зўр маҳорат кўрсатди. Битмас-туганмас фольклор хазинасидан баҳраманд бўлган бу коллектив қайта тикланган қадимий рақсни ижро этди. Қорақалпоғистоннинг кўпгина ижрочилари халқ ижодиётига аввалбор муносабатда бўлмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон халқ артисти Тамара Дошумова ва автоном республикада хизмат кўрсатган артист Бозоргул Каримова бугал «Ошиқ Ғариб» халқ достонидан қўшиқлар ижро этишди.

Бердақ номли Давлат филармониясининг «Гулзор» эстрада вокал-хореографик ансамбли эҳтиросли оҳанглар ва кўйлардан тузилган замонавий сюитани ижро этиб, томошабинларни мамнун қилди.

Қорақалпоғистон халқ артисти Мақсет Хўжаниёзов ва солист Кенесбой Сержоновлар С. Раҳманинов ва Ж. Бизе операларидан ариялар ижро этдилар. Бундай жиддий асарларга мурожаат қилинганлиги — артистларнинг ижодий маҳорати ўсганлигининг далилидир. «Ажиннёз» операсидан Ажиннёз арияси катта маҳорат билан ижро этилди. Нукусдаги Станиславский номли театр Октябрь юбилейи арафасида шу операни саҳнага қўяди. Бу биринчи қорақалпоқ операсидир.

Концертни тайёрлашда Навоий номли театр режиссери О. Узоқов ва дирижер Ғани Тўлаганов билан бир қаторда балетмейстерлардан Қундуз Миркаримова ва Иброҳим Юсуповлар ҳам катта ёрдам беришди.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари Б. Матчонов, П. Мадреимов, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. Шораҳимов К. Заретдиновлар саҳналаштирган концерт охирида «Ҳаёт номи билан» композицияси янгради. Композицияда байрам томошасининг барча қатнашчилари иштирок этдилар. Композиция қардош халқларнинг тинч бунёдкорлик меҳнатига, барча совет кишилари ўртасидаги дўстлик ва қардошликка мадҳия бўлиб янгради. (ЎзТАГ).







Оиламиз бир, ташвишларимиз ҳам бир

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик шанбалик кунини аҳил ва унумли меҳнат билан нишонладилар. Республикада яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари—8 миллиондан зиёд киши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган меҳнат байрамига келдилар.

Қрим татарлардан бўлган ишчилар ва колхозчилар, зиёлилар вакиллари ҳам шанбаликда ҳамма билан баравар қатнашдилар. 17 октябрь куни «Узспецводдренаж»нинг Сирдарёдаги махсус механизациялашган кўчма колоннасидан Р. Осмонов бошлиқ пармаловчилар бригадаси, Наманган шойи бирлашмаси тўқувчиси А. Сейтумерова, Самарқанд химия заводининг ишчилари И. Сулейманов ва С. Сейдаметов, «Қувасайстекло» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуювчиси Р. Межитов, Андижондаги 162-трестнинг Т. Чабанов бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси ва бошқалар рекорд иш унумига эришдн.

Бу йил пахта йиғим-терими мавсуми ғоят ноқулай об-ҳаво шароитларида ўтмоқда. Қишлоқ меҳнатчилари ёрдамга муҳтождирлар. Ўзбекистондаги шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг кўпчилик аҳолиси юбилей йили ҳосилнинг тақдири уларнинг ёрдамига боғлиқ эканлигини англаб, якшанба куни оталикдаги колхозлар ва совхозларга чиқдилар.

Саноат шаҳри Бекободнинг салкам 7 минг нафар меҳнатчиси пахтакорларга мададга отланди. 18 октябрь куни шаҳар маиший хизмат комбинатининг ходимлари саккиз тонна пахта териб бердилар. Тикувчи Ф. Тилкашева ҳаммадан кўп — 125 килограмм пахта терди.

Сирдарё районидаги «Малик» совхози экскаваторчиси А. Абсатаров техникани ишлата олиш маҳоратини кўрсатди. У пахта териш машинасининг штурвалини бошқариб, шанбалик куни хирмонга 5 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкди. Шу куни «Боёвут» совхозининг механизатори К. Батракли тағин ҳам кўпроқ — 8 тонна пахта териб берди.

Ижодкор зиёлиларнинг вакиллари ҳам, шу жумладан, «Ҳайтарма» қрим татар ансамблининг артистлари четда қолишмади. Улар шанбаликда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларини ўз санъатлари билан ҳушнуд қилиб, эртасига Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозга пахта теришга чиқишди.

Хуллас, меҳнат байрами кўнгилдагидек ўтди. У юксак сиёсий ва ташкилий савияда, ишчанлик ва бирдарлик вазиятида унумли ўтди.

Тўғри, қрим татарлар орасида бегараз коллектив меҳнат қувончи, интернационализм тантанаси, республикамизда яшаётган халқларнинг бузилмас дўстлигини ич-ичидан ёқтирмайдиган кимсалар ҳам топилиб қолди. Улар меҳнат байрамини нохушликка айлантиришга уриниб кўрдилар, лекин бу уринишлар беҳуда кетди.

Ўз хатти-ҳаракатлари билан қрим татарлар ўртага қўйётган масалалар комплексини кўриб чиқиш Давлат комиссияси ишига тазйиқ кўрсатишга уринган бадкорларга бир неча қрим татарларигина эргашди, холос. Жамилевлар ва улар атрофига тўпланганларнинг ҳудбинлик манфаатлари, улар ўйлаб чиқарган ва асоссиз даъволари партиямиз ва Совет ҳукуматининг донолигига ишонувчи қрим татар меҳнаткашларининг ҳақиқий манфаатларидан нақадар узоқлигига ҳамма яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг, шу жумладан, кўпчилик қрим татарларнинг истакларини ҳисобга олиш билан бирга, жамоат тартибини ўрнатиш ва интизомга риоя этишни таъминлаш юзасидан ўзларига берилган қўшимча ваколатлардан фойдаландилар. Меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида олиб борилган катта тушунтириш ишлари ва ғоявий-сиёсий ишлар ҳам ижобий таъсир кўрсатди, бу ишларда қрим татарлар энг муносиб вакилларидан иборат республика ва область кичик комиссияларининг аъзолари фаол иштирок этдилар.

Совет Ўзбекистонидаги барча миллат ва элатларнинг вакиллари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига ягона интернационал оила бўлиб бормоқдалар. Бизнинг бузилмас қардошлигимиз ва интернационал бирлигимизга ҳеч ким раҳна сололмайди.

Г. РОСТОВ,
ЎзТАГ.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

ЎЗБЕКИСТОН «ОҚ ОЛТИН»И 3.000.000 ТОННАДАН ОШДИ



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	**1,14**	**71,04**	**Қашқадарё**	**1,59**	**45,06**
Бухоро	**1,86**	**66,45**	**Наманган**	**2,70**	**44,59**
Сурхондарё	**2,54**	**64,24**	**Андижон**	**2,20**	**40,95**
Тошкент	**2,94**	**60,89**	**Навоий**	**1,62**	**40,11**
ҚҚАССР	**1,35**	**57,96**	**Самарқанд**	**1,74**	**37,76**
Фарғона	**2,29**	**53,82**			
Сирдарё	**3,58**	**51,90**	**Республика**		
Жиззах	**3,57**	**51,23**	**бўйича:**	**2,24**	**52,87**

Бутун куч— йиғим-теримга

Н. Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институти студентлари Сирдарё область Оқолтин районининг «Партия XXIII съезди» совхози далаларида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бу йил йиғим-теримга институтнинг 360 га яқин студент, педагоглари чиқишган.

Машинамиз дала шийпонига етиб келганда кун ботаётган эди. Ҳашарчилар кечки овқатга тараддуд кўришарди. Биз тўппа-тўғри институтнинг марказий дала штабига йўл олдик. У ерда бизни штаб бошлиғи, институт проректори, Виктор Иванов қарши олди.

— Бу йилги об-ҳаво иноқликлари барчани хавотирга солди, — дейди у. — Бироқ, ана шу қийинчиликларни енгиб, мана шундай ҳосил етиштирган деҳқонларимизга тасанно айтиш керак. Турли йилларда институтимиз студентларидан ташкил топган агитбригадалар республикамиз пахтакорлари ҳузурига бориб, концерт программалари намойиш этишарди. Бу йил агитбригадалар пахта теручи бригадаларга айлантирилган. Демак, барча студент-педагоглар пахта далаларига чиқишди. Бу яхши натижалар бермоқда. Буни кунлик ўсишда ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат шундай, институт талабалари бир кунда она-Ватан хирмонига 15—20 тонна «оқ олтин» тўкишмоқда. Шу кунгача улар уйган хирмон 350 тоннадан ошиб кетди. Ф. Фатиллаев, М. Тўраева, А. Исроилов, Ш. Мелихонов, М. Маматова, З. Каримов каби студентлар шу кунгача 700—1000 килограммгача «оқ олтин» теришди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» мухбирлари.

БУРЧГА САДОҚАТ

Коммунист ва беш йиллик

Юсуф ака қўнғироқ тугмасини босди. Ичкаридан Виктор Викторовичнинг овози эшитилди. Юсуф ака ўзини танитгач, у эшикни очди. Иккиси қуюқ сўрашгач, В. Паталах Юсуф акани хонага таклиф этди. Унча катта бўлмаган хона дид билан безатилган эди.

— Заводдагилар сизни тез-тез сўраб туришади, — деди Юсуф ака бироз жимликдан сўнг. Ҳолингиздан хабар олгани келдим. Цехдагилар сизга салом йўллашди.

— Келганинг жуда яхши бўлди-да, — хурсанд бўлди Виктор Викторович. — Ишимни жуда соғиндим. Кучқувватим бўлганда, пенсияга чиқмас эдим. Коллективимиз жуда иноқ. Ҳозир нима янгиликлар бор?

— Ўзгаришлар кўп. Цехимизда шароитимиз тобора яхшиланиб бораяпти. Барчамиз планларни ошириб бажаришга интилаяпмиз. Каттагина кийиниш хонаси битказилди. Унда бемалол ҳордиқ чиқариш ҳам мумкин. Ишга туширилган чойхона ходимлари хизматидан ғоятда хурсанд бўлаяпмиз. Домино, шахмат-шашка ўйнаб, дам олишимиз учун алоҳида хона ажратилди. Умуман олганда партиямиз топшираётган барча вазифаларни ҳалол бажаришга интилаётганимиз туфайли меҳнат шароитимиз тобора яхшиланиб боряпти...

Юсуф ака цехларда юз бераётган бошқа янгиликларни ҳамкасбига сўзлаб берди. Кейин зарур иши борлигини айтиб қўзғалди. Унга партиявий топшириқ сифатида «Ташсельмаш» заводининг 1-қуюв цехида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозир қарилик гаштини сураётган қуювчи В. В. Паталахнинг турмуш шароитидан хабар олиб туриш топширилган эди. Шу йил ичида у уч марта пенсионер уйида бўлиб, соғлиғидан, турмуш шароитининг аҳволидан ҳабар олди. Дўстлари тайёрлаган совғаларини унга етказди.

Коммунист Юсуф Эшқурбонов ўн етти йилдан бери шу корхонада, шу цехда меҳнат қилади. Ҳамкасблари орасида катта ҳурмат қозонган. Доимо план-топшириқларини ортиғи билан бажаришга эришади. Айниқса, коммунист сифатида олиб бораётган ишлари кўпчиликка ибрат бўляпти. Цех партия ташкилоти томонидан Ю. Эшқурбоновга бир неча топшириқлар берилган.

Уни дўстлари цех касаба союз ташкилотига раис этиб сайлашди. Тажрибали агитаторлардан бири ҳисобланади. Заводдаги яхши анъаналардан бири — пенсияга кузатилган ишчининг турмуш шароитидан хабар олиб, унга зарур ёрдамни кўрсатиш инсон омилини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

У зиммасига юкланган барча вазифаларни сидқидилдан адо этмоқда. Жумладан, цех касаба союз ташкилотининг раиси сифатида сўнгги йилларда бўшашиб кетган меҳнат интизомини мустаҳкамлашга арзигулик ҳисса қўшди.

Ишчилардан бири — А. Акромов тез-тез ишдан кеч қоладиган бўлиб қолганди. Юсуф ака уни смена мастери билан тортишиб турганини кўп учратарди. Ишчи билан суҳбатлашганда унинг тракторсозлар массивида яшашини билиб олди. Бироқ бу — унинг заводдан узоқда яшаши баҳона эмасди. Йиғилиш ўтказилиб, бу воқеа муҳокама этилди. Коммунистлар аввалиги А. Акромовга огоҳлантириш эълон қилишди. Орадан бир-икки кун ўтгач сменадан кеч қолиш яна такрорлана бошланди. Коммунист Ю. Эшқурбонов унга қаттиқроқ жазо қўллашни, яъни, ишчига берилаётган мукофотларнинг беш процентини ушлаб қолишни таклиф этди. Партия аъзолари ҳам, ишчилар ҳам уни қўллаб-қувватлашди.

А. Акромов бу қарорни амалга ошмайди, деб ўйлади шекилли одатини яна такрорлайверди. Учинчи бор мажлис ўтказилганда ўн процент ушлаб қолишга қарор қилинди. Чунки Абдубакир тажрибали ишчилардан эди. Заводда мутахассислар етишмаётган бир пайтда меҳнатсевар қуювчини вазифасидан озод этишнинг имконияти йўқ эди. Шу сабабли яна прогулчилик такрорланса, мукофот ҳамда ўн учинчи маошининг 50 процентини ушлаб қолиниши ҳақида огоҳлантирилди. Ҳамкасбларининг танқидидан хулоса чиқариб олган А. Акромов мана бир неча ойдан бери сменага вақтида етиб келади.

Шунингдек цехда бракчилар ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолганди. Коммунист-мастерлар браклар участкасини ажратишди. Қайси конвейердан сифатсиз маҳсулот келадиган бўлса, уни худди шу браклар майдонига териб қўйилади. Майдон гўё кўзгудек цехдаги барча меҳнатчига кўриниб турарди. Вақт ўтган сари сифатсиз деталь тайёрлаётган ишчи ўз хатосини бартараф этишга интилди. Эндиликда йиғув цехидан деталлар сифатига шикоят ва эътирозлар билдирилмаяпти.

Юсуф ака Эшқурбонов КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь (1987 йил) Пленуми қарорларини меҳнаткашлар онгига сингдириш ҳамда агитаторликни муваффақият билан уддалаяпти. У илғор иш усуллари билан ҳамкасбларини таништиришда жонбозлик кўрсатяпти.

У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва социалистик мусобақа ғолиби кўкрак нишони, бир неча марта беш йилликлар зарбдори нишонини олишга сазовор бўлган. Ўтган йили эса планларини ортиғи билан бажарган, партия ва жамоат топшириқларини сидқидилдан адо этгани туфайли Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

М. ДАМИНОВ.



Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективи тайёрлаётган турли буюмлар харидорларга жуда манзур бўлмоқда. Кейинги пайтда чеварлар маҳсулот сифатини янада яхшиладилар.

СУРАТДА: попон цехи мураббий ишчиси, смена мастери коммунист Муҳаббат Юсубонова тикувчи Шоиста Отахўжаева тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.



Лариса Сорокина ўрта мактабни тугаллагач, тўғри Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг механика факультетига ўқишга кирди. Ҳозир «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лойиҳа-конструкторлик бюросида баракали меҳнат қилиб келаяпти. Етакчи конструктор кўплаб самарали лойиҳаларнинг авторидир.

СУРАТДА: Л. Сорокина янги лойиҳа устида иш олиб боряпти.

Т. Каримов фотоси.

Қудратимиз—дўстликда

БАХТИМИЗ БОИСИ

«Тошкенткабель» заводида ҳам фидокорона меҳнати билан эл қадр-қимматини топиб келаётганлар жуда кўп. Ўн миллат вакилларидан иборат кучли ва контроль кабеллари цехининг контроль бўлими комплекслашган бригадаси коллективи ҳам бу шонли сана — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кўтаринки руҳда ишлаяпти. Бригаданинг сим ўровчилари рус йигитлари К. Чульфагрек, В. Конорев, пресловчиси — озарбайжон йигити М. Имронов, украин Ф. Бобилов, изоляция қилувчилар — қозоқ йигити К. Сармурзаев, татар Ф. Шарафуллина, ўзбек Х. Ғойибназаров, корейс В. Цой, кабель синовчи — немис йигити В. Гиршлар бир оила фарзандларидек, қардош совет халқларининг метиндек дўстлигини намойиш қилиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Контроль кабели бригадаси цехдаги энг катта ва бригада системасида ишлаётган ягона бригададир. Бундан олти йил муқаддам, улар биринчи бўлиб, ягона наряд асосида ишлашга ўтган эдилар. Ҳозир бригада аъзолари янги системадан ғоят хурсандлар. Ҳар бир киши ўз ҳамкасбини қўллаб-қувватлаб, тушунган ҳолда меҳнат қилмоқда. Эндиликда бригаданинг ҳар бир аъзоси кабель тайёрлаш учун жавоб беради ва пировард-натижага қараб иш ҳақи олади. Бу меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмай, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Шунингдек, давлат қабулига ўтишда ишчиларда ҳеч қандай ортиқча эътирозлар бўлмади. Бригада асосий маҳсулотларининг катта қисмини биринчи тақдимдаёқ топширишга эришяпти. Коллективнинг пресловчилари Х. Ғойибназаров, К. Сармурзаев, Н. Эргашев каби аъзолари кунлик топшириқларини 20—30 процентга оширib адо этмоқда. Бу илғорлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олганлар. Улар шонли санага қадар беш йилликнинг икки йиллик планини бажариш маррасига яқинлашиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленуми қарорларида илгари сурилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш сиёсати ўзида демократияни, ўз-ўзини бошқаришни, ошкораликни таъминлашни янада намоён этди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этишда мақсимал даражадаги самарадорликка эришиш учун йўналтирилган. Корхона тўғрисидаги Қонунни қабул қилиши албатта оқилона хўжалик юритишни тақозо этади. Бунинг учун энг илғор иш усулларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим. Шулардан бири хўжалик ҳисобига ўтишдир. Албатта, бу системага ўтишда ҳали бригада ўз кучи билан кўпгина муаммоларни ҳал этиши лозим.

З. ЛИФАНОВА.

Атроф-муҳит муҳофазаси—муҳим иш

МУВОЗАНАТ ТЕНГЛАМАСИ

Ижтимоий ишлаб чиқариш интенсив ривожланган ҳозирги даврда атроф-муҳит муҳофазаси, унинг табиийлиги, мусаффолигини сақлаб қолиш муҳим масалалардан биридир. Айниқса, йирик индустриал шаҳарларда, жумладан Тошкентда бу масала жиддий ва ўткир бўлиб турибди. Ўнлаб завод ва фабрикаларда ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси ўртасидаги мувозанатни сақлаш муҳим вазифа бўлиб қоляпти.

Тошкент тўқимачилик комбинати шаҳримизнинг йирик саноат корхоналаридан биридир. Ҳолбуки, бу ерда йилига 200 миллион метрдан зиёд 12 ассортиментдаги газлама, 8 тур ип ишлаб чиқарилади. Бу — корхонада йилига юзлаб тонна пахта толасига ишлов берилади, демакдир. Пахта газлама ҳолига келгунича ўндан зиёд ишлаб чиқариш босқичидан ўтадики, бу босқичларда чанг, пахта момиғи ажралиб чиқади, атмосферага кўтарилади.

Корхонада чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш бу соҳада қилинган муҳим ишлардан биридир. Айниқса, корхонада ротар йигирув машиналарининг ишга туширилиши пахта толаси чиқиндиси чиқишини қарийб икки баравар камайтирди. Бу машиналарда йигирилган ип «СТБ» тўқув дастгоҳларида «Нева тўлқини» газламасини ишлаб чиқариш учун ишлатилмоқда. Нафис, кўйлакбоп бу газлама бугунги кунда харидорларга манзур бўляпти.

Комбинатда атроф-муҳит муҳофазаси ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида санитария-гигиена лабораторияси ташкил қилинган.

— Лабораториямиз ходимлари асосан икки йўналишда иш олиб боради — Салор ариғига қуйиладиган ишлаб чиқариш оқава сувлари тозалиги ва атмосферага кўтарилаётган чанг миқдорини назорат қилади, — дейди атроф-муҳит муҳофазаси катта инженери Людмила Николаевна Акоева. — Аввалари, бундан ўн-ўн икки йил аввал Салорга ташланаётган оқава сувларни тозалаш корхона учун муҳим муаммолардан бири эди. Корхона йилига минг-минг сўм жарима тўлар эди. Сўнгги йилларда бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Биринчидан, канализация тармоғи яхшиланди, қўшимча тармоқлар ишга туширилди. Бу эса таркибида мазут, ёғлаш мойлари, бўёқ чиқиндилари бўлган ишлаб чиқариш оқава сувларини канализацияга оқизиш имконини берди. Иккинчидан, корхонада компрессор-насос станцияси қурилиши Салор ариғига оқизилаётган оқава сувлар, яъни газламага ишлов бериш, ювиш цехларида фойдаланилган сувлар таркибини тозалашда муҳим восита бўлди. Бугунги кунда корхонамиз Салор ариғига ташланаётган шартли сув (ифлослиги нормадан паст бўлса, бу шартли тоза сув деб юритилади) атроф-муҳитга ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмайди.

Людмила Николаевна ўз ишининг иккинчи қирраси, яъни атмосферага чанг, пахта момиғи кўтарилиши хусусида гап бошлаганда, ундаги дадиллик сўнгандек туюлди менга. Унинг гап оҳанги ўзгариб, бир қадар фахрланиш ўрнини куйинчаклик эгалладди.

Юқорида қайд этганимиздек, корхона фаолияти пахта толаси билан узвий боғлиқ. Пахтага дастлабки ишлов бериш, яъни титиш, саваш, тараш жараёнида катта миқдорда чангланиш юзага келиши, момиқ ажралиб чиқиши табиий ҳолдир.

Лекин, ишлов берилаётган пахтадан чанг ва момиқ ажралишини минимум даражага етказиш, унинг атмосферага кўтарилиш миқдорини мумкин қадар камайтириш атроф-муҳит муҳофазасининг асосий мақсадидир. Бундан ташқари, агар атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бу атмосферага салбий экологик таъсир ўтказишдан ташқари, кишиларнинг, биринчи навбатда, цех, ишлаб чиқариш, корхона ишчиларининг соғлиғига жиддий путур етказади, касалланиш ҳоллари кўпаяди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келадики, бу ҳол ўз-ўзини молиявий таъминлаш шароитида иш бошлаган корхона фаолиятига салбий таъсир этмай қолмайди, албатта.

— Бу хусусда аҳвол оғир, — дейди Людмила Николаевна. — Ҳар учала йигирув ишлаб чиқаришларда атмосферага кўтарилаётган чанг ва момиқ миқдори нормадагидан анча юқори.

— Бу нима билан изоҳланади?

— Биринчидан, йигирувда ишлаб чиқариш структураси ниҳоятда мураккаб. Гап шундаки, пахта толасига ишлов беришда чанг ва момиқ ажраладиган қарийб уч-тўрт жараён бир ишлаб чиқаришга жамланган. Иккинчидан, чанг ва момиқ, сўрувчи вентиляция системаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари ишлаб чиқариш маданиятининг ниҳоятда пастлигидир. Вентиляция системаси цехлардан сўрган чанг ва момиқ махсус подвалга узатилади, фильтрланади. Шу боисдан ҳам вентиляция системаси, фильтрлар, чанг подваллари доимий равишда график асосида тозаланиб туриши керак. Бу цехларда, чанг подвалида ҳаво алмашинишини яхшилайди ва демак, атмосферага чанг, момиқ кўтарилишини камайтиради. Афсуски, бу талаблар бажарилмаяпти. Бизнинг бу хусусда фабрика раҳбарларига ёзаётган огоҳлантириш ва тавсияномаларимизга амал қилинмаяпти.

Биз биринчи йигирув-тўқув фабрикаси бош инженери Мухтор Бурхонов билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам бу муаммо мавжуд. Уни бир-икки ой, ҳатто бир йилда ҳал этишнинг имкони йўқ. Нега? Бу фабрикани реконструкция қилиш билан боғлиқ масала. Фабрика 1934 йили ишга туширилган. Фабрика остида жойлашган чанг подвали ҳажми жиҳатдан ҳам, фильтрлар қуввати жиҳатидан ҳам бугунги кун талабига жавоб бермаслиги табиий.

—Фабрика реконструкцияси икки-уч йилдан сўнг бошланади. Унгача бирор тадбир кўришнинг иложи йўқми?

— Аслидаку, реконструкция бошланди — йигирув цехида, пилта-пиликлаш цехида янги ускуналар ўрнатилмоқда. Корхона бош энергетика бўлими фабрикамизнинг чанг подвалида бир неча тармоқли фильтрлар ўрнатиш лозим эди. Лекин...

— Энергетика бўлими кўп тармоқли фильтрнинг биттасини иккинчи йигирув фабрикаси чанг подвалига синов тариқасида ўрнатди, — дейди Людмила Николаевна. — Мазкур лаборатория иш бўлимга қарайди. — Енгин хавфсизлигини таъминлаш учун бу фильтр подвал деворидан 1,5 метр нари ўрнатилиши керак. Агар шундай фильтрлар биринчи фабрикада ҳам ўрнатилса, у ҳолда шундоқ ҳам тор чанг подвалининг фойдали коэффициенти камаяди...

Демак, корхонада, айниқса биринчи йигирув ишлаб чиқаришда фабрика тўла реконструкциядан чиқмагунча бу ерда чанг ва момиқнинг атмосферага кўтарилишини камайтириш имкони йўқ. Эҳтимол бу борада изланиш, ташаббускорлик етишмаётгандир? Акс ҳолда фабрика рационализаторлари олдидаги конкрет вазифа —чанг подвалидаги аҳволни яхшилаш борасида техник ижодиётнинг тематик конкурси ишлаб чиқилмаганлигини, вентиляция ва чанг подвалини тозалаш графигига амал қилинмаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЯСП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

АДАН. Бу ерда Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Адан телевидениесининг хабар қилишича, мажлисда ЯСП Марказий Комитети Бош секретари А. С. Ал-Байдиннинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев билан 10 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Мажлисда ЯСП билан КПСС, ЯХДР билан Совет Иттифоқи ўртасида турли соҳалардаги дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги кучғайратларни давом эттиришга қаратилган йўл таъкидланди.

Мажлисда бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ ВИСТАВКАСИ

БУДАПЕШТ. Будапештдаги Венгрия миллий музейида ўрта Осиё ва Кавказ халқлари заргарлик санъатининг виставкаси очилди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ВХРда Совет маданияти кунлари доирасида шу виставка ташкил этилди. Экспозицияда XII — XX асрларда шарқ халқларининг моҳир усталари яратган заргарлик буюмлари, идиш-товоқ ва бошқа нарсалар бор. Турли халқларнинг безак ашёлари: қимматбаҳо балдоқлар, туморлар, камарлар ва халқ усталари яратган бошқа ажойиб буюмлар томошабинларда эўр қизиқиш уйғотмоқда.

Виставкада мис ва бронзадан ясалган уй-рўзғор асбоблари ҳам кўрсатилмоқда.

НАМИБИЯДА ТИМСОҲ ОДАМГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

ЛУАНДА. Намибиядаги чоғроқ Катима-мулило шаҳарчаси аҳолиси «Эҳтиёт бўлинг, тимсоҳлар бор» деган огоҳлантиришга енгилтаклик билан қарамайди. Замбези дарёси қирғоғида почта ходими Қобус Слабберт билан юз берган фожиали ҳол бир қарашда тепса-тебранмас, қўпол бўлиб туюлган тимсоҳлар ўзига эътиборсиз қарашга йўл қўймаслигини эслатиб қўйди.

Тақдир тақозосини қарангки, Слабберт саёзликда ўйнаб юрган болаларни тимсоҳлар борлигидан огоҳлантириб турган бир пайтда ўзи йиртқичнинг қурбони бўлди. Каттакон тимсоҳ қирғоққа чиқиб, Слабберт сари йўл олганлигини бечора пайқамай қолди. Кўз юмиб-очгунча тимсоҳ одамга ташланиб, уни дарёга тортиб кетди. Бунда почта ходимининг 130 килограммли вазни ҳам ёрдам беролмади.

Ўша куни Комати дарёсида чўмилиб юрган 12 яшар жанубий африкалик Вилли Гроббелларни эса тасодиф омон сақлаб қолди. Тимсоҳ унинг ўнг қўлини тишлаб олганида бола қаттиқ қичқирди-ю, бир силтаб қўлини тимсоҳнинг оғзидан чиқариб олди. Кутилмаган зарбага учраган тимсоҳ болага бошқа ҳужум қилмади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар ядро қуроли синовларини кенг миқёсларда давом эттиришни планлаштирмоқда. АҚШ энергетика министрлигига маблағ ажратиш тўғрисида ҳозир Америка конгрессида муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига кўра, 1 октябрда бошланган 1988 молия йилида бевосита ядро қуроли синовларига 396,5 миллион доллар ажратиб бериш режалаштирилмоқда. Энергияси йўналтирилган ядро қуроли тадқиқотлари, уни ишлаб чиқиш ва синаб кўриш учун қўшимча 240 миллион доллар маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. АҚШ энергетика министрлигига ядро қуролини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган программаларга жами 3,5 миллиард доллардан кўпроқ маблағ берилади. Мазкур қонун лойиҳаси ҳозирги вақтда конгресснинг келиштириб олувчи комитети муҳокамасига топширилган.

НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти буйруқ берган тақдирда Америка ҳарбий-денгиз кучларининг учта кемаси қанотли ракеталар билан Эронга зарба ура оладиган позицияларда турибди. «Филадельфия Инкуайрер» газетаси «Пентагон расмий шахслари»нинг сўзларига асосланиб, шу ҳақда хабар қилди. Гап «Миссури», «Линкори», шунингдек, «Банкер-Хилл» ва «Лонг Бич» крейсерлари ҳақида бораяпти. Мудофаа министрлигининг вакиллари эса территориясидаги ҳарбий объектларга тутилган нишонларнинг ҳозирдаёқ тайёрлигини эътироф этдилар. Ҳарбий-денгиз кучларининг кемаларида жойлаштирилган ракеталарни ишга туширилиб, Эронга ҳужум қилиши мумкинлигини ҳам эътироф этдилар. Бироқ, нашр этилиб ўтдилар, деб таъкидлади газета. Вакилларнинг сўзларига кўра, «Америка ҳарбий хизматчилари ҳеч қачон бўлишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун» авиацияда фойдаланилмайди.

ВЕНА. Австрия пойтахтининг ишчилар районларидан бири — Лизингда 15 Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Австрия-Совет жамиятининг президенти федерал ҳукуматнинг собиқ министри Херта Фирнберг Октябрь революцияси Европа ва бутун дунё халқларининг тақдирига муттасил таъсир ўтказиб турган буюк тарихий воқеа бўлганини таъкидлади. Октябрь революцияси инсоният тарихида янги даврни бошлаб берганлиги, халқларга тинчлик келтирганлиги ва ҳамон келтирмоқда, дейди ораторлар. Улар Октябрь революцияси ғоялари — халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинчлик ва ҳамкорлик ғоялари эканлигини таъкидлади.

Объективда—Сурия



Суриядаги Эл-Кунейтра шаҳри Исроил босқинчиларининг вахшийларчасига қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида 1974 йилда вайрон қилинган эди. Исроил босқинчилари шаҳарни ташлаб кетишдан олдин шаҳардаги барча биналарни вайрон қилиб, аҳолини бошпанасиз қолдиришди. Ҳозир шаҳар нейтраллаштирилиб, қайта тиклаб ўтказилмоқда. Шаҳарнинг босқинчилик моҳиятига гувоҳлик берувчи ёдгорлик бўлиб қолди.

А. Пушкарев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЭНГ ҚИММАТБАҲО МАРКА

Календоскоп

Энг нодир, энг қимматбаҳо марка қанча турши мумкин! Энг қимматбаҳо марка 1 миллион 100 минг доллар турши мумкин, деб хабар қиладн Ассошиэйтед Пресс агентлиги. Коллекционерлар ўртасида «Ледн Макжилл» номи билан маълум яккаю-ягона сақланиб қолган нқки центли марка ана шу нархда сотиб олинди. Бу марка 1852 йили Америкаиниг Питсбург шаҳри хусусий почта хизматн томонидан чиқарилган. Марканн сотиб олган кишн ўз исм-шарифини айтишни истамади. Шунга қарамай, рекордчилар рўйхатидан ўрин олди. Ана шу олди-соттига қадар энг қимматбаҳо марка роппа-роса бир миллион доллар баҳоланган эдн. 1981 йилн Америкаиниг 1846 йили чиқарилган беш центлик маркасига ана шунча пул тўланган эдн.

АВТОСЕРВИС РЕКОРД ҚЎЙМОҚДА

«Формула-1» автомобиль пойгаларида муваффақият фақат ҳайдовчигагина эмас, механиклар командасининг маҳоратига ҳам боғлиқ. Чунки секундниинг ўндан ёки юздан бир улушн ҳам катта аҳамиятга эга бўлган пойга вақтида албатта ғилдиракларни алмаштиришга тўғри келади. «Бош совриш» учун пойгага ҳизмат кўрсатувчилар ўртасида рекордлар ҳам бор. Улар тўрт ғилдиракнинг ҳаммасини 6,50 секундда алмаштиришга улгурадилар. Бу кўрсатгичнн пойганнг оғир шароитларида эмас, телевизион камера олдида, тажрибаларнинг кўз ўнгида ошшлаш мумкинми! Бн-бнсининг «Рекордлар ўрнн яп-мнз» туркумидаги кўрсатувн мобайнида 13 мотоцнк ана шунга ҳаракат келиб кўрдн. Мана 13 нафар йигит пойга машинасн махсус қурилмага ўрнатардн — бунинг учун ярнм секунд вақт кетдн. Улар автоматик пистолет-отвертка билан қурполанган ғилднракларнн олдндаги — яна қарнйб бир секунд вақт кетдн. Уларнинг ўрнгa янгн ғилдиракларн ўрнатнлдн — яна нкки секунд. Ғилдиракларнн машнналар автомобнлнн ерга тушгач дилар. Ҳаммаси бўлнб 13 секунд вақт кетдн. Ҳар бнр ғилдиракнн алмаштнрнш учун ўртача 1,2 секунд вақт сарфланнбдн.

ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ҚЎЙМА...

Қолган ишга қор ёғар

Халқнинг асрлар тажрибасидан ўтган бу ибратли, ҳикматли сўзга амал қилаётганлар қишнинг қировли кунларида қийналишмасдан, иссиқ уйларда, роҳатда ўтиришади. Нимадек тешикдан тиздек совуқ киришига эътибор қилмай, қиш мавсумига тайёргарлик кўрмаганлар эса совуқ кунларда қийналишлари турган гап.

Редакцияга газетхонлардан келаётган айрим хатларда шаҳримиздаги бир қанча ЖЭУларда аҳоли шикоятига эътибор берилмасдан, арзимаган камчиликларни тузатиш ишлари ҳамон пайсалга солинаётганлиги айтилади.

Юнусобод массивидаги 15-квартал, 62-уй аҳолисининг шикоятлари билан сизларни таништирмоқчимиз. «Етти йилдан бери томимиздан ўтаётган чакканн бартараф қилишмайдн. Бу ҳақда газеталарда ҳам танқидий мақола берилдн. Аммо ҳеч қандай натижа бўлганн йўқ. 76-ЖЭУ биздан атнгн 20 қадам нарида жойлашган. Бу ердагилар меҳнаткашларнинг ўрнини шикоятига қулоқ солмай, ишни пайсалга солиб келишмоқда. Ваҳоланки, томдаги тарновни яхшилаб тозалаб, ён-атрофига тўр сим тутилса, уйларга оқиб тушаётган чакканга барҳам берилган бўлнпар эдн. Мана октябрь ойи ҳам тугаяптн. Наҳотки шу арзимаган ишни бажармаслик оқибатида бу йил ҳам чаккада ўтирсак».

Ана шу массивнинг 8-кварталидагн 4-уйда яшаётганлар номидан Мукаррам Мавлонова редакцияга шундай хат йўллабдн: «Ун олтн йилдан ошдн, шу уйларда яшаётганимизга. Уйимиз қишда иссиқ бўлади. Аммо совуқ уйда ўтирганларни кўрсам, раҳмим келадн. Бнр нарсага ҳайронман: баъзн ЖЭУ бошлиқларининг лоқайдликлари туфайли қанчадан-қанча иссиқлик бекўда сарф бўлади. Бунга мисол тарнқасида қуйидагн фактларни келтирмоқчиман: кварталимиздаги 20-уйдан 22-уйга иссиқ ва совуқ сув қувурлари ўтказилган. Ҳар иккн уй оралиғи 8—10 метр келади. Мана ўн олтн йилдирки, ана шу икки уй орасидаги иссиқ сув қувурн ўралмаганлиги оқибатида қишда қувурдан буғ чиқиб ётади. Бу ҳақда 68-ЖЭУ бошлиғи А. Алмевга кнриб айтдик. Аммо биронта чора кўрилмадн. Ахнр шу қувурлар яхшилаб ўралса, қанчадан-қанча хонадонлар иссиқлик билан таъминланадн-ку!».

Газетхоннинг бу ҳақлн эътирозига қўшилмасдан иложимиз йўқ. Баъзн ЖЭУ раҳбарлари кўзларн ўнгида рўй бераётган камчнликларни бартараф этнш ҳақида нега ўйламайдилар!

«Марказ—26» кварталига кўчиб келганимизга ўн бир йилдан ошдн, — деб ёзибдн 86-уй 5-квартирада истнқомат қнлувчн Ф. Умаров. — Бир неча йилдан бери юқорн қаватдан квартирамизга сув оқади. Деворнинг оҳак ва бўёқлари ювилиб, қуруқ бетон кўрннниб қолди. Биз бу ҳақда 64-ЖЭУга борнб унинг бошлиғи В. Мисакка шнкоят қилдик. Аммо улардан ваъдадан бошқа ҳеч нарса эшитмаймнз. Нега аҳолндан тушаётган шнкоятлар ўз вақтида бартараф этнлмайдн!».

Ана шу квартал ённдаги «Марказ—27»нинг 31-блок 1-уйнда истнқомат қнлувчн Шермат Нурматовнинг шнкоятн қуйндагнча бошланган: «Шу йнл баҳор ойнда 49-ЖЭУдан слесарлар келншнб, уйммзнннг нккнчн қаватндагн қувурларнн алмаштнрншдн, ваннахонадагн қувурнн олнб ташлаб, янгнсннн қўйнб берамнз, деганнча жўнаб қолншдн. ЖЭУга қатнайвернб, чарчаднм. Нега энди бошланган ншн охнрнга етказишмайдн! Бундай аҳвол фақат меннng квартнрамда рўй бердн, десам қўшнларммнзда ҳам худди шундай экан. Ишга бундай лоқайд муносабатда бўлаётганларга нисбатан чора кўрнш вақтн етмадимнкин».


«Чорсу» массивнда қўплаб янгн тўққнз, ўн нккн қаватлн турар жой бнноларн қурнлмоқда, — деб ёзибдн кўп болалн она, 9-уй, 27-квартнрада яшовчн Зайнндднова. — Аммо бу уйларнннг кўпчилигнннг устн ялтнроқ, нчн эса қалтнроқ. Эшнклар ва дераза ромларн жуда нобоп ўрнатилган. Кўпннчн иссиқ ва совуқ сувлар бўлмайдн. Ён атрофдан сув ташншга мажбур бўламнз. Наҳотки қишлн-қировлн кунларда ҳам ана шундай яшасак!».

Район уй-жой бошқармаларн диққат-эътнборларн қншга тайёргарлнк тадбирларнннг амалга оширнлдагн мавжуд камчнликларга қаратшларн керак.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Шеър одоби азиз

Бу гулшан ичраки йўқтур бақе гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.



В. Тўраев фотоэтюди.

Бир оғиз сўз

Дарҳақиқат, ассалому-алайкум — бир калима сўз. Бироқ, кейинги пайтларда шу сўзни ҳам ҳар хил формага солиб, турлича баён этувчи «нажоркорлар» анча кўпайиб қолишди. Аввало шуни айтиш керакки, ривоятларга кўра (ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин), ибтидоий жамоа одамлари бирбирларининг ёнларига келганларида қўлида тош ёки бошқа хавфли қурол йўқлигини билдириш учун, кафтларини очиб, қўл олиб кўришар эканлар. Бошланиши шу бўлса керак, кейинчалик бу нарса ҳақиқий анъанага айланиб асосий одат тусига кириб кетган.

Эндиликда эса, ким бўлмасин, кишилар бир-бирлари билан учрашганларида биринчи калимани ассаломуалайкумдан бошлайдилар, қадрдонларча ҳол-аҳвол сўрашиб, юракдан самимий омонлашадилар, ўзаро муносабатларини, яхшиликларини, ҳурмат-эҳтиромларини изҳор этадилар. Оғзаки сўрашишдан кўра қўл олиб саломлашиш анча файзли кўринади, албатта. Бу яхши удум.

— Ассаломуалайкум!

— Ваалайкумассалом!

Кишиларнинг дил қулфларини очувчи калит ва қалб достонининг сўзбошисидир бу калималар.

Лекин, баъзилар бу удумни қўпол равишда бузмоқдалар, саломлашишда одоб доирасидан чиқиб кетмоқдалар. Баъзиларнинг тилларини «ассаломуалайкум» калимасини келтиришга айланмаса керакки, бачкана саломлашишни афзал кўрадилар. Бундай саломлашишлар одоб доирасидан ҳам, замонавийлик қоидаларидан ҳам узоқдир.

Айрим кишилар борки, кўчада кетатуриб, нариги томондаги йўлкадан кетаётган таниш-билишларига қўлларини чакалариға қўйган ҳолда кулиб ўтадилар ёки қадрдонлари билан учрашганда қўлни ёзиб юборгудек даражада қаттиқ қисиб омонлашадилар. Кўпчилик эса, бир-бирларининг елкаларига шапатилаб, уриб-сўкиб, кўп ҳолларда чўпиллатишиб ўпишиб аҳвол сўрашадилар. Бу ҳолатлар унчалик ҳам одобдан эмасдир, албатта. Бундай чоғларда қаттиқ қисишлардан озор чеккан қўл ва қучоқлашиш натижасида ғижжим бўлган кийим эгаларининг ошкора бўлмасада, пинҳона ранжишлари турган гап.

Шундай кишилар ҳам бўладики, улар фақатгина «катта» кишилар билан салом-алик қилишни ўзларининг шарафли бурчи деб биладилар. «Улуғ» кишилар билан беўхшов илжайган ҳолда, эгилиб-букилиб саломлашадилар, ўзларини қўярга жой тополмай, типирчилаб турадилар.

Афсуски, худди ана шу тонфадаги кишилар «кичик» одамларни кўрганларида димоғ билан саломга ҳам алик олмасдан ўтиб кетадилар. Омонлашмоқчи бўлганлар билан эса қовоқ-тумшуғини осилтириб, қўл учида базўр кўришадилар. Бундайларнинг ўша пайтдаги юз ҳолатлари мотам маросимидаги кишининг ҳолатини эслатади. «Мансаб билан баландмас одам, мансаб одам билан муҳтарам», деб ёзган эди буюк мутафаккир А. Жомий. Ҳатто саломлашишда ҳам одамдан одам ажратувчилар донишмандининг бу нақли мағзини чақиб олсалар яхши бўларди.

Салом — ҳам қарз, ҳам фарз, дейишади кексалар. Ҳар қандай шароитда ҳам саломлашишни тўғри адо эта билиш керак. Бунинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Таниш-билишлар билан учрашган пайтда ёши кичикроғи одоб билан «ассаломуалайкум» сўзини равон талаффуз қилган ҳолда салом беришлари керак. Ёши улуғ кишининг қўл бериб омонлашишга раъйи бўлган (ўзи биринчи бўлиб қўл чўзса) тақдирдагина қўл узатиш лозимдир. Акс ҳолда, оғзаки сўрашиб қўяберган маъқул.

Хуллас, ҳар бир киши инсонлик бурчи ҳақида чуқур ва асосли ўйлаб ҳаракат қилиши, одоб доирасининг чегарасини яхши билиши лозим. Одамни чиройли қилиб кўрсатадиган, кўпчиликка танитадиган, ўзгалар қалбида ўзига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотадиган куч биринчи галда унинг ширин сўзи ва яхши муомаласидир. Ширин сўз ва яхши муомала эса бир калима сўзнинг одоб билан айтилишиданоқ маълумдир.

— Ассаломуалайкум!

Нормамат ТОҒАЕВ,
журналист.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

ҚИЗИҚОРИННИ БИЛИШ

Мишель: Андре, сен қизиқоринни яхши кўрасанми?

Андре: Ҳа, мен уни жуда яхши кўраман.

Мишель: Аммо, сен заҳарли қизиқорин бўлишини биласанми?

Андре: Бунга, албатта, ишонаман!

Мишель: Ундай бўлса, қизиқоринниинг заҳарли ёки заҳарли эмаслигини қандай билиш мумкин?

Андре: Бу жуда осон-да: уни ейсан ва натижасини кутасан.

КАМ БЎЛСА ҲАМ...

— Менга йигирма франк қарз бериб тур!

— Менда фақатгина ўн икки франк бор.

— Қойил, уни менга бер ва мендан яна 8 франк қарз бўласан.

ТЕКИН

Ўқитувчи: Электр билан чақмоқнинг фарқи нимада?

Ўқувчи: Чақмоққа ҳақ тўланмайди.

ҚЎШИМЧА

— Сизнинг хатингиз жуда ҳам оғир келяпти, яна 10 сули маркадан ёпиштиринг.

— Нега энди? — деди Раймонд, —янада оғирроқ бўлиши учунми?

СТРАХОВАНИЕ

— Мен уйимни ёнғинга қарши страхование қилмоқчиман.

— Бир оз кутиб туринг!

— Кутишга вақтим йўқ! Ахир уйим ёняпти-ку!

БАҲС

Олив: Мен жуда кўп бифштекс истеъмол қилганим учун бўқадек кучлиман-да.

Мариус: Бу ақлга тўғри келмайди! Мен нуқул балиқ ейманку, бироқ ҳалигача сузишни билмайман...

МЕН СИЗНИ ТАНИДИМ

— Сиз юзингиздан ниқобингизни олишингиз мумкин, доктор, мен сизни танидим, — деди операция столида ётган бемор.

Француз тилидан
С. МУСАЕВ таржимаси.

Бувижон, ўқиб беринг

Боғча аям...

Боғча аям...
ғоз келади,
Сумкалари
пучмайган.
Кетишида
сумка семиз.
Аям эса.
Букчайган.
Қани энди
боғча аям
Бу ишларин
қўйсалар.
Оёқлари
Қалтирамай,
Дадил-дадил
юрсалар.
Бир кун тўсиб
назоратчи
Очди аям
Сумкасин.
Дастурхонга
Тўкди шу он
Қанду сухар-
барчасин.
Шу-шу қараиг,
боғча аям
у ишларин
қўйибди.
Оёқлари
қалтирамай,
Дадил-дадил
Юрибди...

Исмоилжон АЛИЕВ,
Андижон райони.

Акс садо

«Тошмеҳр бўлманг, одамлар...»

«Тошкент оқшоми», 1987 йил 25 август

Мақола эълон қилингандан сўнг оқшомхонлардан кўплаб хатлар олдик. Хатларнинг муаллифлари ўз фарзандларидан воз кечиб, инсонлик шаънига доғ туширган, омонат роҳат-фароғатларини деб, болалар кўз ёшларига парво қилмаётган баъзи ота-оналарни қаттиқ қоралайдилар, бундайларга нисбатан қатъийроқ чора кўриш зарурлигини таклиф этадилар.

Қуйида дард-алам ва сўнгсиз изтироб билан ёзилган ана шу мактублар хусусида сўз юритмоқчимиз...

* * *

Мактублар ҳақида гап бошлашдан олдин бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Хизмат юзасидан партия, меҳнат ва уруш ветеранлари республика пансионатига борганимда мени Ефим Айзикович Перлин билан таништиришди.

— Бундай ажойиб инсонлар ҳақида ҳар қанча ёзсангиз арзийди, — деди шу куни пансионатга келган Ўзбекистон ССР социал таъминот министрининг ўринбосари Акрам Жумаевич Нарзиев, — у бутун ҳаётини халқ бахт-саодатига, фақат эзгу ишларга бағишлаган табаррук одам.

Ефим Айзикович 1924 йили партия сафига кирган, ёш Совет давлатини мустаҳкамлашда иштирок этган, фидокор коммунист сифатида барча топшириқларни виждонан бажарган. Биз унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил ёзмоқчи эмасмиз. Фақат унинг ажойиб бир фазилати, камдан-кам одамларга насиб қиладиган саховат-ҳиммати хусусида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

Баъзи одамлар ўз топган-тутганларини, бойликларини емай-ичмай яшириш билан овора бўлишади. Бундайларга инсоф-диёнат пул сифатида кўринади, фақат пул ҳақида гапиришади. Ефим Айзикович уларнинг бутунлай тескариси: қаердаки табиий офат рўй бериб, ёрдам фонди очилса биринчи навбатда ўз шахсий жамғармасидан пул ўтказади. Квитанцияларни кўздан кечиргин. Уларда Мексикага 1000, Грузияга 150, Газлига 100, Чернобилга 500, Бутунииттифоқ маданият фондига 150 сўм пул юборилганлиги ёзилган. Булардан ташқари, ҳар йили коммунистик шанбалик фондига пул ўтказишни канда қилмайди...

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ болалар фонди ташкил этилганда Ефим Айзикович шифохонада даволанаётган эди. Бу хабарни эшитдию, ўз касаллигини унутди. Фикр-хаёли тезроқ шифокорлардан рухсат олишда бўлиб қолди. Унга жавоб беришмади, «Ҳали анча ётасиз, ўзингизни уринтирманг», дейишди. Салкам тўқсонга кирган партия ветерани сабр қилолмади: ҳамшираларнинг кўзини шамғалат қилиб, кўчага чиқиб кетди. Тўппа-тўғри яқиндаги банкларнинг бирига бориб, Совет болалар фондига ўз шахсий жамғармасидан минг сўм ўтказди.

— Биласизми, — деди биз билан суҳбатда Ефим Айзикович, — болалар фонди ташкил этилганлигини эшитиб кўзларимга ёш келди, партия ва ҳукуматимизнинг инсонпарварлигидан тўлқинландим. Мен ўз ҳаётимда ота-оналаридан айрилиб, қаттол ҳаёт гирдобига тушиб қолган, очликдан жон берган болаларни кўп кўрганман. Уша йиллари оғир эди, мудҳиш уруш минг-минглаб болаларнинг болалигини, қувончини ўғирлади. Эсласам ҳали ҳам юрак-бағрим эзилиб кетади...

— Ефим Айзикович, ҳозирги тўкис-тўкинчилик пайтида ҳам ўз фарзандларини этимлик чангалига ташлаётган кишилар ҳақида нима дейсиз?

— Тўғриси, мен уларни одам қаторига қўшмайман. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунларида сўнгги бурда нонларини ҳам ўз фарзандларига илинган буюк қалбли оналарни кўрганман. Бундайлардан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди...

15-болалар поликлиникаси ҳамшираси Н. Иброҳимова мактубидан:

«Тошмеҳр бўлманг, одамлар...» мақоласини ўқидим, жуда ғазабландим. Она — улуғ зот. Лекин, баъзи енгил-табиат аёлларимиз оналик шаънига доғ туширмоқдалар, партия ва ҳукумтимизнинг оналар ва болаларга нисбатан отаталарча ғамхўрлиги қадрига етмаяптилар. Тўғрисини айтганда, ота-она меҳрини болага ҳеч ким беролмайди.

Мен 5 фарзанди бор бир аёлни яхши танийман. У кутилмаганда ўз жигаргўшаларини болалар уйига расмийлаштирди. Сабабини сўрасам, «Эрим ичади, боқолмаймиз», деб жавоб берди. «Бола боқиш қўлингиздан келмаса, энди уни кўпайтирманг», дедим. Бир куни яна шу аёл қўлидаги қандайдир қоғозга муҳр қўйдиргани кабинетимга кирди. Ҳомиладорлиги шундоққина сезилиб турарди. Кейин билсам, у енгилтак, қинғир йўлга кирган аёл экан. Қўни-қўшнилари аёлни маст ҳолатда кўп кўришибди. Калтаўйлик, нафс васвасаси уни оналар рўйхатидан ўчирди: хотин қолган болаларини ҳам эрига ташлаб, бегона киши билан кетиб қолди.

Мен ҳам онаман. Икки ўғлимни ёшлигидан отасиз катта қилдим. Тўнғич ўғлим ҳозир Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаяпти. Яқинда ҳарбий қисм подполковнигидан хат олдим. У «Ўғлингизни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаганингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман», деб ёзибди.

Ҳа, оналик шон-шуҳратига эришиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Мен ана шу бахтга эришдим, эртага невараларим, келинларим қуршовида янада бахтли ҳаёт кечиришимга ишонаман».

Н. Иброҳимованинг мактубини ўқир эканман, чинозлик муҳтарам онахон Сора аянинг жасорати ёдимга тушди. Ҳа, онахоннинг 29 ёшида бева қолиб, 4 фарзандини ниҳоятда катта қийинчилик билан вояга етказганлиги чинакам жасорат эди. У маҳалланинг сулув қизларидан ҳисобланарди. Бир совчига рад жавобини бериб кузатса, эртасига яна бошқаси келарди. Кўп кишилар чирайли бева аёлнинг ўз умрини беҳуда ўтказаётганлигидан ажабланарди. Сора ая совчиларга қатъий жавоб берди: «Бутун умримни, куч-қувватимни фарзандларимга бағишлайман. Энди ҳеч ким эшигимдан совчи бўлиб кирмасин». Сора ая салкам эллик йил бева яшади, болаларини ўқитди халққа муносиб кишилар қилиб тарбиялади. Ҳозирги кунда катта ўғли Мирсаид Абдукаримов райондаги К. Маркс номли колхоз раиси, Абдусаттор Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология институти лаборатория мудири, 35 ёшида фан доктори бўлди. Абдураим Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахона бош инженери, Абдумўмин 1985 йили нодир металлар бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Сора ая ҳам ўз болаларини «детдом»га бериб, чўнтагидан пул аримайдиган «бойвучча»лардан бирига тегиши мумкин эди. Лекин, бунга оналик виждони, ғурури йўл қўймади. Бугунги кунда онахоннинг пиру бадавлат яшаётганлигини кўриб ҳавасингиз келади...

Республика илмий-атеизм уйи директорининг ўринбосари М. Нурхонов мактубидан:

«Ишдан қайтаётиб, киоскадан «Тошкент оқшоми»ни олиб, «Тошмеҳр бўлманг, одамлар...» мақоласига кўзим тушди. Тўғриси, уни ўқиб, аъзоюбаданим музлаб кетгандек бўлди, тошмеҳр, бебурд одамларнинг қилмишларидан ғазабландим.

Мақолани ўқир эканман, тенгдошим Муродилла исмли йигитнинг аччиқ қисмати ёдимга тушди. У эндигина ўттиз ёшга кирганда тошмеҳр ота-онаси гуноҳининг қурбони бўлди.

Фарзанд кўрмаган қариндошларимиздан бири 6 ойлик норасидани етимлар уйидан ўз тарбиясига олган эди. Болага бутун меҳр-муҳаббатини бағишлади, вояга етказди, тўйтантана билан уйлантирди. Бироқ, кутилмаганда, орадан 29 йил ўтгач, йигитнинг олдига унинг ўша бемеҳр онаси келади, «Мен адашган онанг бўламан, булар сенинг ҳақиқий отаонанг эмас», дейди. Ёш йигитга бу жуда қаттиқ таъсир қилади, ҳаётнинг аччиқ зарбасини кўтара олмайди. Муродилла ўзлари емай едирган, киймай кийинтирган меҳрибон ота-онасини кексайган чоғларида ғам-алам гирдобига ташлаб кетди, уч фарзанди етим, ёшгина хотини бева қолди. Мана кўрдингизми, ўз боласини бахтли болаликдан маҳрум қилган енгилтак аёл охир-оқибатда унинг ҳам гулдек ҳаётига зомин бўлди...

Ҳайрон бўламан: ўз боласига қалб ҳароратларини беришдан бош тортаётган кишилар қаердан пайдо бўлишяпти? Бу ҳаммамизнинг лоқайдлигимиз маҳсули эмасмикин? Халқ судлари ажралиш ҳақидаги аризаларни масъулият билан муҳокама қилмаяптилар. Нима учун ота-она бурчини сезмайдиганларни жазолаш мумкин эмас? Агар менга ҳуқуқ берилганда ана шундай одамларни болалар уйларидаги энг оғир ишларга юборардим. Эҳтимол, шундагина етимлар уйларидаги гўдакларнинг сўлғин чеҳралари, ғамгин кўзларини кўриб, ҳақиқий инсонлик маъносини тушуниб етишармидик».

Ишчи П. Расулов мактубидан:

«Мақолани ўқиб, ўртаниб кетдим, кўзларимга ёш келди. Бундан бир неча йил аввал «Известия» газетасининг мухбири 30 ёшгача академик бўлган олимларга: «Сизлар шу ёшда қандай қилиб академик бўлдинглар?», деб савол беради, «Биз етимхонада катта бўлганмиз, — деб жавоб беришади олимлар. — Шанба, якшанба ҳамда байрам кунлари оталари ёки бирор қариндоши бор тенгдошларимиз душанбагача етимхонани тарк этишарди. Бизларнинг эса борадиган жойимиз, олиб кетадиган меҳрибонимиз йўқ эди. Шу кунлари тўпланишиб, китоб ўқирдик, масалалар ечардик, аниқ фанлар билан шуғулланардик. Энг севимли жойимиз — кутубхона эди. Мураббий-ўқитувчиларимиз биз тополмаган китоб, кўлланмаларни топиб беришарди, йўл-йўриқлар кўрсатишарди».

Кўп болали она С. Муҳаммедова мактубидан:

«Газетангизда мунозара-муҳокамага сабаб бўладиган мақолаларни кўп ўқийман. «Умидига етганда, юлдузи сўнган Умида», «Номусини ўғирлатган қиз»... Ҳар бир мақолани оила аъзоларимиз билан ўқиб, муҳокама қиламиз. Айниқса, оила, одоб-ахлоқ мавзуидаги материаллар бизга ёқади.

Мен «Тошмеҳр бўлманг, одамлар...» мақоласини ўқиб, ўз жигаргўшасидан, ҳаётининг кувончидан юз ўгирадиган одамлар ҳам борлигидан ажабландим. Бизнинг 6 фарзандимиз бор. Ҳаммаси «аъло» баҳолар билан мактабда ўқишади. Турмуш ўртоғим Сайфулла Муҳаммедов 1-автобазада шофёр бўлиб ишлайдилар. Болаларимизнинг кулгусини эшитсак яйраб кетамиз, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз...

Мақолада тилга олинган ота-оналарга айтмоқчимизки, вақт борида ўз фарзандларингизни бағрингизга олинг, уларнинг кўз ёшларини оқизманг!».

Шуниигдек, Сергелидаги 32-мактаб ўқувчиси З. Охунова, меҳнат ветерани С. Хабибуллина, хизматчи М. Каримов, САНИИРИ катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Р. Раҳматов, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Ҳаким Мавлонов, ТошДУ студенти М. Муҳамадиева, Андижон пойабзал ишлаб чиқариш фабрикаси мастер ёрдамчиси У. Холиқов каби газетхонларимиз мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишибди.

Биз мақоламизни улуғ рус донишманди Н. И. Пироговнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: «Хотин-қизлар шуни тушуниб олсинларки, улар бешикда ётган болани парвариш қилиб, гўдак учун ўйинлар ўйлаб топиб, уни гапиришга ўргатиб... жамиятни асосий меъморига айланадилар. Пойдеворнинг асосий тоши уларнинг қўли билан қўйиладн».

Эсон ҚОСИМОВ.

Маданият хабари

«Насриддин...» ёшлар саҳнасида

Насриддин афанди ўзбек халқигагина эмас, балки бошқа кўпгина элларга ҳам милли қаҳрамон сифатида яхши таниш. Биз бу образни кўпроқ халқ оғзаки ижодида учратар эдик. Аммо кейинги йиллар унинг саҳнавий талқинини яратиш театр ижодкорларининг эътиборини тобора тортмоқда. Чунки Насриддин ҳақида саҳналаштирилган спектакларнинг бирортаси томошабинларни бефарқ қолдирмайди, чуқур комизмга асосланган ижро доимо уларга завқ-шавқ бағишлайди. Бу спектакларнинг узоқ вақт репертуардан тушмаслиги ҳам шундан.

Яқинда бу образ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «яшай» бошлади. Ўзбек томошабинлари ҳукмига Озарбайжон драматурги Ш. Алиевнинг «Насриддин Афанди ва Азройил» номли комедияси ҳавола этилди.

Бу асарни Афғонистон Демократик Республикасидан келиб А. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтининг режиссура бўлимида таълим олаётган Файз Аҳмад театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев раҳбарлигида саҳналаштирди. Саҳна безакларини таниқли рассом Е. Визель ишлаган.

Спектаклдаги асосий ролларни жозиб коллективнинг етакчи актёрлари Бахтиёр Ҳожиметов, Баҳодир Нишонов, Ҳакима Отахонова, Абдусамат Жўрабоев, Обид Ҳакимов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Воҳид Қодировлар ижро этишмоқда.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Магистраль

Ҳушёрлик — бехатарликдир

Шаҳарда транспорт воситаларининг кўпайиб бориши янги проблемаларни вужудга келтирмоқда, бу эса ҳайдовчиларга талабни янада оширишни тақозо қилмоқда. Шу боисдан ҳам хушёрлик учун кураш Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти Марказий Совети, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Журналистлар союзи ҳамкорликда сентябрь-декабрь ойларида «Ҳушёрлик — автомобилчи учун қонун» шиори остида акция ўтказишга қарор қилдилар.

Бу борада пойтахтимизда ҳам жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда жамоатчи ташкилотлар, кўнгиллилар ҳушёрликни қарор топтириш ва транспорт тасодифларининг олдини олиш бўйича самарали ишларни амалга оширишмоқда. Ҳозир шаҳримиздаги ҳар бир районда ҳушёрлик учун кураш район жамиятининг раиси ҳамда нарколог врачдан иборат махсус группа фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг зиммасига транспорт ташкилотларидаги ҳайдовчиларни рейсга чиқиш олдидан ва рейсдан сўнг медицина кўригидан ўтказиш вазифаси топширилган.

Кейинги пайтда амалга оширилган тадбирлар туфайли транспорт корхоналарида тарбиявий ишлар даражаси бир мунча кўтарилди. Ҳайдовчиларнинг интизоми мустаҳкамланди. Улар энди транспортнинг созлиги, айни пайтда уни бошқариш учун шахсан жавобгар эканликларини чуқур ҳис қиладиган бўлиб қолдилар.

Нарколог врачлар, наркология пунктлари, жамоатчилик постлари актив фаолият кўрсатаётган бир пайтда ҳам маст ҳолда рулни бошқараётганлар учраб турганлиги ниҳоятда таажжубли ҳол бўлмоқда. Шу ўринда йўл тасодифларига ўрамон маст ҳайдовчилар кўпроқ сабаб бўлаётганликларини эслаш керак бўлади. Сентябрь ойининг дастлабки йигирма кунида юз бергон беш тасодифга маст ҳайдовчилар сабаб бўлишди. Бахтсиз тасодифлар туфайли етти киши жароҳатланди, 11 сентябрда «Главташкентстрой»нинг 1-автокорхонаси ҳайдовчиси А. Пўлатов ана шундай тасодифга сабаб бўлди. Тўғри, у бу сафар давлат машинасини эмас, ўзининг «Б 06-46 ТН» рақамли «ВАЗ-21013» автомобилини бошқариб бораётган эди. Масъулиятни ҳис қилмаган ҳайдовчи кайф ҳолда рулга ўтирган. Натижада ҳушёрликни йўқотиб, рулни бошқаролмай қолган. Машинани Ф. Дўстматов бошқариб бораётган «Ж 85-81 ТН» рақамли «ВАЗ-2103» машина билан тўқнаштириб юборган. Оқибатда А. Пўлатовнинг ўзи ва унинг ёнида бораётган пассажир оғир жароҳатланди. Улар касалхонага ётқизилди.

17 сентябрь куни «Ғалаба»нинг 40 йиллиги» массивидаги 17-уй рўпарасида транспорт тўқнашуви юз берди. Бунга «В 84-64 ТН» рақамли «Москвич — 2140» рақамли автомобилнинг ҳайдовчиси Б. Рамазонов сабаб бўлди. У ўртача маст ҳолда рулни бошқариб бораётганлиги туфайли машинани А. Шамсиев бошқариб бораётган «Рига—8» мопеди билан тўқнаштириб юборди. Натижада мопед ҳайдовчиси, унинг пассажири қаттиқ жароҳатланди, улар касалхонага ётқизилди.

Шу давр мобайнида давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари 87 ҳодисага маст ҳолда рулни бошқарган ҳайдовчилар сабаб бўлганлигини аниқлашди. Демак, транспорт ташкилотларида бу борада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Айниқса 3-автокомбинатда аҳвол қониқарсиз дейиш мумкин. Корхона ҳайдовчиси А. Тўлагановнинг «34-93 ТНЗ» рақамли «ЗИЛ-130» автомобили рулига маст ҳолда ўтирганлиги йўл тасодифига сабаб бўлди. Бу борада «Главташкентстрой» 6-қурилиш бошқармасининг ҳайдовчиси А. Новоселов ҳам «ўзини кўрсатди.» У маст ҳолда «98-39 ТНП» рақамли «ГАЗ-52» автомобилини бошқариб бораётганида авариянга сабаб бўлди. Сергели ошхоналар трестининг ҳайдовчиси С. Пучков сабаб бўлган тасодиф ҳам оғир жароҳатга олиб келди. У бошқариб бораётган «20-33 ТНХ» рақамли «ГАЗ-52» автомобили жиддий шикастланди.

Кўриниб турибдики, ҳушёрлик бўлмаган жойда ҳамиша тасодиф бўлади. Тасодифларнинг бўлмаслиги учун эса транспорт ташкилотларининг раҳбарлари ҳайдовчиларга нисбатан талабни янада кучайтиришлари, интизомни мустаҳкамлашнинг таъсирчан чораларини қўллашлари лозим.

Б. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси агитация ва пропаганда бўлинмасининг бошлиғи.

Йўлга чиқишдан олдин

Австриялик бир группа экспертлар махсус тадқиқотлар ўтказиб, шундай хулосага келишди: нотўғри овқатланиш автомобиль ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, йўл тасодифларига кўпчилик ҳолларда ҳайдовчининг бўшашувчанлиги сабаб бўлади. Бундай ҳолат узоқ муддат овқат емаслик оқибатида қондаги қанд миқдорининг камайиб кетиши туфайли юз беради. Аммо дуч келган нарсани чайнаб юриш тавсия этилмайди. Олимлар энг яхшиси машинани бир минутга тўхтатиш ва бир пиёла ширин чой ёки сут тамадди қилиб олишни тавсия этишмоқда. Шоколад сўриш ҳам ҳайдовчининг умумий ҳолатини яхшилайди, деб ҳисоблашмоқда.

Мотоцикл «учирувчилар»

Мотоцикл транспорт воситаларининг орасида энг тез, учқур ҳаракат қиладн. Бинобарин, унн ҳайдаётган кишн ниҳоятда ҳушёр, тадбиркор, сезгир бўлиши керак. Афсуски, уларнинг орасида йўл ҳаракатн қондасига риоя этмайдиганлари бор. Улар фақат ўзларнинггина эмас, бошқаларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўймоқдалар.

51-ўрта ҳунар-техника билим юртнинг ўқувчиси Ортиқ Имонхонов ва 4-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Абдуман Абдумаликов ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасада «Минск» мотоциклида сайрга чиқишди. Бу мотоцикл давлат автомобиль инспекцияси томонидан рўйхатга ҳам олинмаган эдн. Бебош ҳайдовчилар Замахшарнй — Сомонйй кўчаларн чорраҳасида мотоциклни бошқара олмай қолишди. Натижада у «ВАЗ—21011» автомобилига борнб урилдн. Оғир жароҳатланган мотоциклчилар касалхонага ётқизилдн.


Мотоцикл ҳайдовчилар йўл ҳаракатн қондасига қатъий амал қилганларида шундай бўлмас эдн. Мотоциклга ҳордиқ чиқарнш, сайр манбан сифатида қараш бутунлай нотўғрндир. Айнн пайтда мотоцикл ҳар дақиқада хавфнн вужудга келтирнш мумкин бўлган транспорт эканлигнни ҳам эсда тутган яхшн.

В. ТУТИН,
Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг инструкторн.

Жавобингизни текширинг

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 26 август сонида берилган 10-топшириққа жавоблар олинди. Расмда кўрсатилган вазиятда юк автомобилининг ҳайдовчиси тўғри ҳаракат қилмоқда. Бу ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаси талабига тўла риоя қилган ҳолда қувиб ўтмоқда. Масалани Ғ. Абдуқодиров, А. Ғаниев, Н. Аъзамхўжаев, Юнусов, Н. Раҳимбеков, Р. Кудиёров, Ҳамдамовлар оиласи, Ю. Элибоев, И. Муҳамедов, М. Асадуллаев, С. Султонов, Ш. Мирзакаримов, Б. Маматов, Р. Ғуломова, Р. Авазовлар тўғри ечишган.

Ўн иккинчи топшириқ



Ҳайдовчи шундай манёвр қилиши мумкинми?
1. — Ҳа.
2. — Йўқ.

Бу фильмни кўринг

«Ичидан пишган қиз»



Режиссёр Юсуф Азимовнинг кинодаги фаолияти «Ўтган кунлар» фильмидан бошланган эди. У ўшанда оператор ассистенти бўлиб кинонинг сеҳрли оламига мафтун бўлганди. Бу соҳанинг машаққати ҳам, завқи ҳам бир дунё экан. Юсуф ана шу эзгу ниятлар билан Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетини тугатди. 1976—1981 йилларда эса совет кино санъатининг катта дорилфунуни— Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида таҳсил кўрди. Шундан сўнг бир йил давомида Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида ишлади, жанри ва мавзуи жиҳатидан ранг-баранг ҳужжатли картиналар яратди.

— Ҳужжатли кино менга қаҳрамон руҳига мос манзара танлашни, ҳаракатлар ва конкрет воқеалар ёрдамида характер яратиш сирларини ўргатди, — дейди Ю. Азимов.

Яқинда режиссёр ўсмирларга бағишланган «Ичидан пишган қиз» номли янги фильмни яқунлади. Картина сценарийси ВГИК талабалари Петр Луцик ва Александр Саморядовлар қаламига мансуб. Фильм болалар тарбияси, мактаб ислоҳоти масалаларига бағишланган. Унда Нодира исмли ўсмир қизнинг ҳаётида юз берган воқеалар ҳикоя қилинади. Авторлар шу образ орқали бугунги кунимизнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга интилишган.

— Биз болалар тарбияси, ўсмирлар орасида содир этилаётган жиноятларнинг кўпайиб бораётгани ҳақида кўп гапирамиз, баъзида ҳайрон бўламиз. Лекин унинг асл сабаблари ҳамон тарбияга келиб тақаляпти, — дейди режиссёр. — Шунинг учун ҳам мен болалар мавзуси орқали катталарга мурожаат қилмоқчиман. Биз «ҳозирги ёшлар» иборасини тез-тез ишлатишни хуш кўрамиз. Лекин ўзимизни улардан ажратиб кўрсатишга ҳаққимиз йўқлигини билмаймиз. Балки биздаги камчиликлар уларнинг хулқ-атворида, ахлоқида намоён бўлаётгандир.

Ёш ижодкорларнинг янги картинаси кино танқидчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Картина мавзусининг долзарблиги, унда кўтарилган масаланинг ўзига хос тарзда ҳал этилиши томошабинларни ҳам бефарқ қолдирмаса керак. Фильм яқин кунларда экранларга чиқарилади.

М. ИБРОҲИМОВА.

* * *

СУРАТДА: фильмдан кадр.

Турмуш чорраҳаларида

ЯХШИЛИК

Мафтуна бу хонадонга олти йилдан бери таниш. Ўшанда уни Фотима аянинг куёви Тошкентга, Маданият институтига ўқишга олиб келганди. (Фотима аянинг куёви район ансамблининг бадиий раҳбари). Мафтуна имтиҳонларни яхши топширди, ўқишга кирди. У онасидан кўра кўпроқ отасини ҳурмат қилар, чизган чизиғидан чиқмас эди. Бир куни унга отасидан хат келди.

«...Қизим, энди катта бўлиб қолдинг, ўйин ҳам яраш-майди. Яна ўзинг биласан болам...»

Шу хатдан сўнг Мафтуна жуда кўп ўйлади, санъатни қанчалик севмасин отасининг сўзини икки қила олмади. Келаси йил ҳужжатларини қайтариб олиб ТошДУга топширди. Яхши кўрмаган овқатингни ейиш қанчалик қийин бўлса, кўнгил қўймаган ўқишингда ўқиш ҳам, шунчалик оғир бўлади. Бироқ, у санъатни тарк этмади. Фестивалда, байрам кечаларида рақс тушиб юрди. Мана, олти йил ҳам ўтиб бораяпти, ҳадемай ўқишини битиради. Фотима аянинг эса Мафтунани қишлоққа жўнатгиси йўқ. Агар рози бўлса, ундан бир ёш кичик ўғли Валихонга унаштирмоқчи ҳам. Лекин, Мафтуначи?

... Мафтуна Фотима аянинг қўлидан капкирни олди. Фотима ая Мафтунанинг кўзларидан қуйилиб келаётган ёшни кўриб уни юпатган бўлди, қўлидан капкирни олиб, кўз ёшларини ювиб келишни буюрди. «Бечора қиз отасидан етим қолганидан бери фақат йиғлагани йиғлаган. Отаси ўқитди, орзу ҳавасини кўра олмади», — деб қозон тепасидаги хотинларга тушунтирган бўлди. Аслида эса Фотима ая ҳамма нарсадан хабардор, баъзан шундай қони қайнаб кетган пайтлар қизни бахтсиз қилган ўша йигитни бориб уришгиси, ёки қарғаб хумордан чиққиси келади-ю, яна ўзини босади.

Фотима ая бир куни Мафтуна келганида хоним қилганди, ўшанда Мафтуна «Етоқхонада ўртоқларим билан ейман», — деб ўзининг насибасини олиб кетди. Фотима ая Мафтунанинг ўртоқларига эмас, Темурга олиб кетганини у кетгач келинидан эшитди.

Мафтуна отасидан етим қолганидан кейин одамови бўлиб қолди. Бир куни кимнингдир уйига келин бўлиб бораётганида уни ҳеч ким кузатмаслигини, отаси ўрнига кимларнидир унга оқ йўл тилашини ўйласа, шундай кун ҳаётида ҳеч ҳам бўлмаслигини истарди...

Қийналиб юрган кунларининг бирида у Темур исмли журналист йигит билан танишиб қолди. Унинг очиқ қизлигини Темур енгилтакликка йўйиб, берган совғаларини тузоқ деб ўйлаб юрганини, афсуски у хаёлига ишониб кечириб бўлмас хато қилганини, афсус кеч тушунди. Дўстлари, курсдошлари, сингилларининг маслаҳатини «бахтимни кўролмаяпти» деб ўйлади. У Темур билан юрмади эмас, юрди. Мафтунани Темур билан кўрганлар унга раво кўрмади. Темур билан юрган кунлари у қанчалик бахтли ва бахтиёр эди. У Темурга турмушга чиқсам дунёдаги энг бахтли аёл бўламан деб ўйлар, дунёдаги энг бахтсиз аёл бўлиб қолиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Муҳаббат кўнгилнинг иши эмас, ақлнинг иши бўлганида, Мафтуна ўзини шу йигитга оёқ ости қилиб қўярмиди? У Темурнинг:

Билсанг, мен ухлайман
болишга эмас,
Фақат виждонимга
бошимни қўйиб,

деб ёзган шеърларига ишониб алданганди.

Мафтуна бу ҳаётга келиб, ҳеч қачон ўзи ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Юрган йўлида одамларга яхшилик қилиб юрди. Синфдоши Отабек оғирлашиб касалхонага тушиб қолганда шу синфдошининг соғлиги, уни сақлаб қилиш учун жонини ҳам беришга тайёр эди. Қонини ким кам бўлишига қарамай қон берди.

У одамларга яхшилик қилишни шараф деб билди. Бу дунёда одамнинг фақат яхшилиги қолади, деб яшади. Унга жуда кўп жойлардан «Раҳмат, сизга. Яхшилигингизни қайтара олмадим» деган мазмундаги хатлар келарди, у мактубларнинг ҳаммасига «Мен сизга ҳеч қандай яхшилик қилмадим. Фақат инсоний бурчимни бажардим, холос» деб жавоб қайтарарди. Лекин унинг ўзига келганда...

Темур ҳамма вақт Мафтунага: «Сиз яхши қизсиз, лекин сизга уйланолмайман» деб айтарди. «Сизга уйланиб бир умр касал боқаманми?» — деб бир кун Темур дардини очиқ айтди: Мафтуна бу воқеадан кейин тирик мурда бўлиб қолди...

...Ташқарида эзиб ёмғир ёғарди. Дугонаси Мунис уни ахтариб келганда, Мафтуна ёмғирга ивиб бўлган, кўзларидан тинмай ёш оқарди. У ўзини Мунисниинг бағрига отди.

Ёмғир ёғди
майда-майдалаб,
Майда-майда бўлди
юрагим.
То тонггача
қайта-қайталаб,
«Севасанми?» — дея
сўрадим.

деб хиргойи қилиб йиғларди. Бу қўшиқни Темур Мафтуна билан янги танишган пайтлари айтиб берганди. Унинг майин овозига маст бўлган Мафтуна шу куни тонггача ухламай чиққан, Темурни илк бор бутун борлиғи билан яхши кўриб қолганди...

Фотима ая уйга Мафтунани ахтариб кирганда у йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолганди.

Ая эрталаб ётоқхонага қайтаётган Мафтунага ўртоқларингизга олиб боринг, деб бир идишда сумалак берди. У автобусда қайтар экан: «Темур ака, қанийди сиз ёнимда бўлганингизда эди. Ҳеч бўлмаганда бир сингилингиздек кўрганингизда эди... Қани иложи бўлса-ю, шу сумалакни мен сизга олиб бориб берсам. Сизсиз барибир томоғимдан ўтмайди. Сиз Замирани яхши кўрасиз-ку. демак сумалакни Замирага бераман...» деб ўзи билан ўзи гаплашиб, автобуснинг ойнасига бошини қўйганча йиғлаб борарди...

Интизор КАРИМОВА.

Ҳикматлар хазинасидан

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

⊙ Ҳар бир киши ўз хулқ-одобини кузатиб борса, «ҳаётда қандай яхши ишлар қилдиму, қандай хатоларга йўл қўйдим» деб виждонига ҳисоб берса, кейин яхши фазилатини ошириб, нуқсон-хатосини тузатса одиллик йўлига киради ва фазилатлари ошиб боради.

⊙ Васқаси йўқ, ўз манфаатини кўзлайдиган, туллак одам тарозу палласининг ўртасида туриб, қайси томон тош босса ўша томонга шох ташлайди. Бундай кимсалар бебурд бўлиб, охири ҳаёт тарозусидан тушиб қолади.

⊙ Сабр-қаноат — қувончли кунларда ҳам, ғам-ташвишли онларда ҳам энг яхши мезон бўлиб, одамнинг иродасини мустаҳкамлайди.

⊙ **Ҳикоят:** — Бир донодан сўрашди:

— Одам боласи ҳаётда қай пайтларда, қайси ишларда шошмаслиги, қандай ҳолларда фурсатни қўлдан бермаслиги керак?

Доно айтди:

— Мана бу уч ҳолатда шошмай, ақл-фаросат билан иш тутмоқ керак: умр йўлдоши танлашда, овқат еяётганда, бировнинг тақдирини ҳал этадиган сўзни айтишда. Яна уч нарса борки, буларни ҳеч пайсалга солиб бўлмайди: умрни бекор ўтказишни, керакли насиҳатни эшитишни, қари ота-онани рози-ризо қилишни.

⊙ Чаёнга қўл тегизсанг заҳар тиғини санчади, ғийбатчига йўл берсанг бошингни янчади.

⊙ Аҳмоқ фикр айтган қариядан, ақлли гап айтган бола яхши.

⊙ Жаҳл-жаҳолатнинг давоси — сукут.

⊙ **Ҳикоят.** Кекса донодан сўрадилар:

— Одамнинг зийнати нима?
— Донолик.
— Донолик нимада намоён бўлади?
— Тўғри сўз, ақлли фикр, мулойим хулқда.
— Бу уч хислатни қандай ўрганиш керак?
— Китобдан, ҳаёт тажрибасидан, яхши муомалали одамлардан.

МАЖОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

⊙ Чап қўлида гул, ўнг қўлида ханжар ушлаган одамнинг нияти яхши бўлмайди.

⊙ Ялтироқ нарсанинг жилвасига кўп қараган кўз нуридан айрилади.

⊙ Чиройли гул жарнинг нақ лабида очилиб, одамни жаҳаннамга имлайди.

⊙ Энг газанда чаён кўрпа орасига кириб пайт пойлайди.
⊙ Тикан заҳрининг азоби чаққандан кейин билинади.

⊙ Теридаги жароҳатдан дилдаги жароҳат ёмон.

⊙ Ширин ва аччиқ—иккисини ҳам табиат ўзи яратган, ўзи тақсимлайди.

⊙ Оғзи ачиган — қўлини тияди.

⊙ Ариқлар тўлиб оқса ҳам, ўпқон тўлмайди.

Тўлқин РАСУЛЕВ тайёрлаган.



«ОПА-СИНГИЛЛАР» А. Ёқубов фотоэтюди.

Қутлов

Азиз асримизнинг
азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди
қадрин.
Фурсат ғаниматдир,
шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр
дафтарин.

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом айтганларидек, умр дафтарини мазмунли сатрлар билан безаган кишилар шаҳримизда кўплаб топилади. Тошкент Давлат маданият институтида узоқ йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилиб, табаррук ёшга етган кишилар борки, улар бугунги кунда эл ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Улуғ Ватан уруши ветерани, катта ўқитувчи Ваҳоб Умарович Умаров, граждан мудофааси катта ўқитувчиси Александр Михайлович Чекмарев, республикамизда биринчи кутубхоначилардан катта ўқитувчи Матлуба Носирова ана шундай мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтаётган мураббийлардир.

Институтнинг маҳлислар залида ана шу уч ҳурматли инсонни тантанали равишда пенсияга узатиш маросими бўлиб ўтди. Олий ўқув юрти маъмурияти табаррук ёшга етган меҳнат ветеранларини муносиб мукофотлар билан тақдирлади.

Институт доцентлари М. Туропов, Х. Файзиев, ўқитувчи З. Бердиева, кўпгина ўқитувчилар, студентлар устозларини улуғ айём билан муборакбод этдилар, узоқ йиллар мобайнида қилган самарали меҳнатлари учун чексиз миннатдорчилик изҳор этдилар.

Қутлов маросимида Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати, институтнинг «Нилуфар» ансамбли бадиий ҳаваскорлари махсус программада концерт бердилар.

З. НУРИДДИНОВА.

ҚУВНОҚ САТРЛАРДА

(Савол-жавоблар)

⊙ Утил нарсаларинг неча пул?

— Утил бўлса нега сўраяпсиз?

⊙ Ишларинг қалай?

— Олтин!

⊙ — Шўр экан-ку шўрва?

— Ўз номи билан шўр-ва!..

⊙ Мен кетдим!

— Кетганлар қайтиб келмаяптику, кетдим, дейсиз-а!

⊙ Ҳозир ишдан чиқдим.

— Ростданми, ишдан чиқманг ота!

⊙ Онангнинг берган сутини оқламадинг-а!..

— Ўзи оқ-ку!

Анвар МИРЗАЕВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ

Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши— Хабаровск ўлкаси Биробиджон шаҳридаги «ДАЛЬСЕЛЬМАШ» заводи қурилишига юбориш учун

ВЛКСМ XX СЪЕЗДИ НОМИДА КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ОТРЯДИНИ ТУЗАДИ

Комсомол-ёшлар отрядига 18 ёшга тўлган йигит ва қизлар таклиф қилинадилар.

Завод қурилишида ишловчи кишилар қуйидаги қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар: уларга 30 процент район коэффициенти, ойлик иш ҳақига дастлабки йили 10 процент ҳажмида қўшимча ҳақ тўланади, айни вақтда беш йиллик иш муддати тугагунга қадар ҳар йили иш ҳақи 30 процентга ошириб борилади, икки йил муддатга меҳнат шартномаси тузганларга эса 300 сўм ҳажмида ёрдам пули тўланади.

Жамоатчилик даъватига кўра ишга жўнаб кетаётганларга формадаги кийим-бош, суткалик ҳақ ва самолётда етиб бориш йўл харажатлари тўланади.

Жамоатчилик даъватига кўра иш жойига етиб борганлар квартира типидаги қулай ва шинам ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9-уй. Ишчи-ёшлар бўлими. Телефонлар: 33-53-56, 33-13-48.



КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА ТОПШИРИЛГАН МАКУЛАТУРАГА АЛМАШИНАДИГАН ТАЛОНЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР САВДОДА МАВЖУД:

Д. Родари. **«Эртаклар»;**
А. Ладинский. **«Херсонес таслим бўлганда»;**
А. Ладинский. **«Владимир Монамахнинг сўнгги йўли»;**
Т. Драйзер. **«Финансист»;**
Д. Нагишкин. **«Бонивурнинг қалби»;**
Р. Брэдбери. **«Мангу сарсон-саргардонлик ва ер ҳақида»;**
М. Козаков. **«Империянинг емирилиши». 2 томлик.**

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1 — Пушкин кўчаси, Марказ-1, 6-корпус. Телефон 33-37-21.
2 — Навоий кўчаси — 42-уй. Телефон 42-24-68.
4 — Привокзальная кўчаси, 12-уй. Телефон 39-28-03.
8 — Навоий кўчаси, 14-уй. Телефон 41-50-00.
9 — Новомосковская кўчаси, 31-уй. Телефон 35-35-25.
11 — Горький кўчаси, 73-уй. Телефон 62-52-02.
14 — Қорақамиш массиви, 2/4. Телефон 29-86-36.
15 — Юсупов кўчаси, 101-уй. Телефон 41-12-23.
16 — Гагарин кўчаси, 66-уй. Телефон 77-14-74.
18 — Сергели, 9-квартал, 69-уй. Телефон 58-38-35.
23 — Чилонзор массиви, В-23 квартали, 8-уй. Телефон 74-66-45.
32 — Обидова кўчаси, «Узбексельмаш» заводи. Телефон 34-54-10.
37 — Юнусобод массиви, бозор, Телефон 21-01-13.
41 — Қорасув 2 массиви, 18-уй. Телефон 64-74-70.
44 — Лисунов кўчаси, 1 «а» уй. Телефон 96-04-70.
45 — Б.Хмельницкий кўчаси. Телефон 55-61-53.
46 — Космонавтлар проспекти, 39-уй. Телефон 56-75-03.
47 — Полторацкий кўчаси, 75-уй. Телефон 55-75-68.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТОШКЕНТДАГИ 1-ЎЙИСОЗЛИК КОМБИНАТИГА:

бўёқчилар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

КИРОВ РАЙОН ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

тикувчи-мотористкалар.

КУЙБИШЕВ РАЙОН УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАСИГА:

ошпазлар, сотувчилар, буфетчилар, ошхона ишчилари, идиш-товоқларни йиғиштирувчилар, идиш-товоқларни ювувчилар.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИГА:

молия-сотиш бўлими бошлиғи, инженер-технологлар, конструкторлар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

токарлар, фрезерчилар, рақамли программа билан бошқариладиган станокларни созловчилар, инженер-конструкторлар.

КИРОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАСИГА:

ўров машиналарининг машинистлари, упаковкаловчилар, сараловчилар, газ-электр пайвандчилар, созловчи-слесарлар, қозонларга хизмат кўрсатиш бўйича сантехниклар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;

ИХТИСОСЛАШГАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАЗАСИ ЗАВОДИГА

пайвандлаш бўйича бюро бошлиғи, электр пайвандчилар

КЕРАК

Завод ўз хизмат транспортига эга бўлиб, ишчиларни ишга, уйга элтиб қўяди.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси, 13-уй («Инқилоб хиёбони — «Водник» массиви ўртасида қатновчи 183; «Қўйлиқ» — «М. Горький майдони» ўртасида қатновчи 171-автобусларнинг «ЦБ ЭСРПП» заводи» бекати).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — ... **Аида,** 23/X да **Сайга** ... ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 22/X да ... 23/X да **Юлдузли тунлар.** МУҚИМИЙ НОМИ... ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗ... ТЕАТРИДА — 22/X да ... ва **Зуҳра,** 23/X да **Ў... ССР халқ артисти** М. ... РОВНИНГ ИЖОДИЙ ... ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ... 23/X да «ВЕСТСАИД-87...

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИ... — ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ... ГА» ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ... ТОМАШАЛАРИ (23.X 19.00).

Кино

22 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР...

ВЛКСМ 30 йиллиги – ... ЙИЛДАН КИЙИН, ... (жуфт соатларда).
Чайка — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).
С. Раҳимов номи — «... ЛЯЦИЯ» (жуфт соатларда).
Восток — «КУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).
Дружба — «ГРАФ МОНТ КРИСТО» (17, 20.30).
Тинчлик — «ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН, МАЙДА» (тоқ соатларда).
Ҳамза номли — «БУЮК ... (жуфт соатларда).
Лисунов номли — «ЮЛДУЗЛИ МОНДА, ҚЎЛДА» (тоқ соатларда).
Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОСКАР» (10, 18, 20, 21.30).
Ватан — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (18, 21.00).
Нукус — «ГАР ЕНГИЛ БЎЛМАСАНГ» (16, 18.30, 20.45).
Москва — «КЕЧИР, ҚАЙТАРИБ ОЛМАЙМАН» (18.00); «ЧАҚИРИЛМАГАН ДАККИ» (16, 19, 20.00).

23 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР...

ВЛКСМ 30 йиллиги – «ЧАҚИРИЛМАГАН ДАККИ» (11, 16, 20.00).
Чайка — «ОТАХОНЛАР» (жуфт соатларда).
С. Раҳимов номли — «ЛЕНИНГРАД ЛЯЦИЯ» (жуфт соатларда).
Восток — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).
Дружба — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (11, 14.10, 17, 20...
Тинчлик — «СЕВГИ ОЛАМЛАРИ» (тоқ соатларда).
Ҳамза номли — «... (11, 13.30, 16, 18.30, 21...
Лисунов номли — «ЯНГИ УЧРАШУВГА ШОШИЛМАДА» (11, 13, 17.00); «ЧЎЛҚОЛГАН ГУЛ» (17, 20...
Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОСКАР» (10, 16, 18, 20, 21.30).
Ватан — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (12, 15, 18, 2...
Нукус — «ГАР ЕНГИЛ БЎЛМАСАНГ» (11, 13.30, 18.30, 20.45).
Москва — «ШЕРЛОК ҚАЙТИБ ТЕРГОВЧИ» (тоқ ... ларда ва 20.40 да).
Қозогистон — «ЮЗ ЙИЛЛИК ЗАР» (11, 18.00); «ВОҲ... НИМНИНГ СИРЛАРИ» (... «ЧАККИГА ДАККИ» (... 15, 16, 19, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕР... ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — ... 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — ...
ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқармаси 33-37-11.

ДОСААФНИНГ ... КИСТОН ССР РЕСПУБЛИКА БИРЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ

«А» категориядаги ... довчилар (мотоциклчилар);
«ВС» категориядаги ... довчилар (профессионал шоферлар);
автомобиль механиги...
тайёрлайдиган ...
ПУЛЛИК КУРСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун: ... Тошкент шаҳри, 56-алле... лими, Олтитепа проезди, ... уй (метронинг — «М. ... кий» станцияси).

«Ўзбекгидрогеология» ... лаб чиқариш бирлашмасининг ГИДРОИНГЕО институти коллективи катта ... мий ходим Ш. Х. Абдуллаевга онаси

Жамила АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муноси... ти билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-51-87; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-51-87; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий кўнгилочар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42. 32-51-87; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13075.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2492. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10